# Ш А Р Т Н О М А

(Автотранспорт воситасини ижарага олиш тугрисида)

«17» март 2022 йил №63 Наманган шахар

Бизларким, куйида имзо чекувчилар бир томондан «Намангандонмахсулотлари» АЖ номидан жамият Бошкаруви раиси А.Махмудов келгусида «ижарага олувчи» деб юритилади, иккинчи томондан «OLTIN FAYZ DIYOR» МЧЖ рахбари Ф.Умаров кейинги уринларда «ижарага берувчи» деб юритилади ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик:

**1. Шартноманинг хукукий базаси.**

«Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг Конуни, Фукаролик Кодексининг 353-385, 535-557 моддалари ушбу шартноманинг асосий хукукий базасини ташкил этади.

**2. Шартноманинг максади.**

"Намангандонмахсулотлари"А/Жни эхтиёжлари учун транспорт воситалари талаб килинганлиги хамда 16.03.2022 йил куни №44014-сонли лот электрон биржада ғолиб чиққиб, (18 000 000 сўм бир йиллик ижара хизмати учун ДАМАС автомашинаси) «Ижарага берувчи» ўзининг балансида булган 2009-йилда ишлаб чикарилган, давлат раками 50 751 ZAA булган, «Дамас» русумли автотранспорт воситасини «Ижарага олувчи»га ижарага беришликни, «Ижарага олувчи» эса ижарага кабул килиб олишликни (ФК-нинг 556-моддаси 1-кисми) ва шартноманинг кейинги бандларида кузда тутилган тартибда беришликни мажбурият килиб оладилар.

**3. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

3.1. «Ижарага берувчи»нинг мажбуриятлари:
- ижарага берилаётган автотранспорт воситасини шартнома шартларига жавоб берадиган холатда топшириш;
- автотранспортни саклаш ва уни ишлатиш буйича ёрдам бериш;
-ижарага берилган автотранспортдан янада самарали фойдаланиш максадида маслахат ва бошка ёрдамларни курсатиш;

3.2. «Ижарага олувчи»нинг мажбуриятлари:
-шартнома шартларига мувофик ва кузланган максадда автотранспортдан фойдаланиш;
-автотранспортни ярокли холатда саклаш, уз хисобидан жорий таъмирлаш;
-автотранспортни ёкилги-мойлаш харажатларини ўз хисобидан амалга ошириш;
-шартнома муддати тугагандан сўнг ижарага олинган автотранспортни «Ижарага берувчи»га соз холатда кайтариш.

3.3 Юкоридаги ижарага берилаётган автотранспортни «Ижарага олувчи»га ижарага топшириш ва шартнома муддати тугагандан сунг «Ижарага олувчи» томонидан «Ижарага берувчи»га кайтариш томонларнинг вакиллари иштирокида белгиланган тартибда тузилган топшириш-кабул килиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

4. Шартнома амалдаги конунга мувофик узгартирилиши, кушимчалар билан тулдирилиши ёки бекор килиниши мумкин.

5. Шартнома муддат тузилган кундан бошлаб 2023 йилнинг 16 мартгача амал килади.

6. Шартнома 2 нусхада тузилган булиб, иккала нусхаси хам бир хил конуний кучга эгадир ва томонларда бир нусхадан сакланади.

**Томонлар реквизитлари ва манзилгохлари.**

**«БУЮРТМАЧИ»**
**"Намангандонмахсулотлари" АЖ**
Наманган ш, Темирйул кучаси, 5 уй
Х/Р: 20210000300208345001
АТБ «Агробанк» Давлатобод булими
МФО 00259 ИНН: 200048234

**Корхона рахбари** ____________ **А.Махмудов**

**«БАЖАРУВЧИ»**
**"OLTIN FAYZ DIYOR" МЧЖ**
**Наманган ш. Ю.Ғирвон МФЙ**
х/р2020 8000 6005 1904 1001
Асака банк Наманган филиали
МФО 00231 ИНН 303464891

**Корхона рахбари** ____________ **Ф.Умаров**